Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (6199). 4 май, 1978 йил • ПАЙШАНБА • Баҳоси 2 тийин.

ҚУВОНЧЛИ ЗАФАР

Паррандачилик етти хазинанинг бири. Аҳолига пархез гўшт ва тухум етказиб бериш борасида хўжаликда қилинаётган ишлар диққатга сазовордир.

Шу кунларда паррандачилик фермасида салкам 2 минг бош товуқ боқилмоқда. Товуқбоқарлардан Назира Тўлабоева, Абдали Жўлаевлар ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бунда ветеринария врачи Ўскан Аҳмедовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Паррандабоқарлар давлатга тухум сотиш биринчи квартал планини 200 процентдан ошириб бажардилар. Давлатга 35 минг 550 дона тухум топширилди. Улар йиллик планни бажариш арафасида турипти-лар.

В. БОБОХОНОВ.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ ҲАРБИЙ КЕНГАШИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети туркистонлик солдатлар, сержантлар, старшиналар, прапорщиклар, офицерлар, генераллар ветеранларини ажойиб юбилей — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ташкил этилган кунининг олтмиш йиллиги билан қизғин ва самимий қутлайдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Владимир Ильич Ленин ғояларига асосланган декрет асосида ташкил этилган СССР Қуролли Кучларининг ажралмас таркибий қисми бўлмиш жонажон округимиз катта ва шонли жанговар йўлни босиб ўтди.

Округ қўшинлари Ўрта Осиёда Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши даврида, босмачи тўдалар, ички контрреволюция ва чет эл интервенциячиларига қарши курашда жанговар шон-шуҳрат йилномасига кўпгина ёрқин қаҳрамонлик, мардлик ва жасорат саҳифаларини битдилар.

Округнинг қисмлари ва қўшилмалари 1941—1945 йилардаги Улуғ Ватан уруши даврида Ватанимизнинг ашаддий душманлари — немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда Совет ватанига фидокорона хизмат қилиш, Ленин партияси ишига чексиз садоқат намуналарини кўрсатдилар, тилларда достон бўлган 316-Панфилов дивизияси, 69-Севск дивизияси, 83-Тоғли ўқчи дивизия, 20-тоғли отлиқ дивизия ва бошқа кўпдан-кўп дивизиялар, бригадалар, полклар ва ҳарбий бўлинмалар ўз байроқларини оммавий қаҳрамонлик ҳамда ғалабага бўлган букилмас ирода билан, сўнмас шон-шуҳрат билан қопладилар.

Урушдан кейинги йилларда округ жангчилари ватанимиз жанубий чегараларини қўриқлаш борасида машақатли хизматни ҳушёрлик билан ўтамоқдалар, ҳамиша юксак жанговар ва маънавий-сиёсий фазилатларни намоён этмоқдалар, даҳшатли жанговар техника ва қуролярогларни матонат билан эгалламоқдалар, Совет халқининг тинч меҳнатини, кўп миллатли давлатимизнинг суверенитети ва территориал бутунлигини юксак ҳарбий шараф ва муносиб даражада ҳушёрлик билан мустаҳкам қўриқлаб турибдилар.

Туркистон ҳарбий округининг бутун шонли тарихи Ленин партиясининг доно раҳбарлиги, халқ ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари билан мустаҳкам бирлик, ота-шин совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми унинг куч-қудратининг битмас-туганмас манбалари бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишидан далолат беради.

Партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли Туркистон ҳарбий округи энг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, СССРнинг янги Конституцияси эълон қилган Социалистик ватанни мустаҳкам ҳимоя қилиш, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гарантияловчи доимо жанговар тайёр ҳолда туришдек мўқаддас бурчини муваффақиятли адо этиш учун зарур ҳамма нарсага эга.

Ўзбекистон меҳнаткашлари муносиб жанговар шон-шуҳрат вористлари, кекса авлодларнинг Совет ватанига чексиз садоқатли бўлишдек ажойиб революцион ва жанговар анъаналарининг давомчилари бўлган сизлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Округнинг шахсий состави армия билан халқнинг бузилмас бирлигини ифодалаб, республика меҳнаткашлари билан дўстлигини доимо мустаҳкамлаб, унинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик ҳаётида, экономика ва маданиятни ривожлантиришда, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив қатнашмоқда.

Ҳеч шубҳа йўққи, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари Совет Қуролли Кучларига 60 йил тўлган йилни жанговар меҳнатда янгидан-янги ютуқларга эришиш билан, ўзларининг Конституцияда белгиланган бурчларини намунали адо этиш билан ишончлайдилар, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг жонажон Ватан мудофаа қудратини мустаҳкамлашга оид йўл-йўриқларини бундан буён ҳам бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва бўлинмаларининг армия сафлари мустаҳкамлиги ва қудратини, уларнинг партия ишига, коммунизм қуриш ишига садоқатини ифодаловчи жанговар байроқлари мағрур ҳилпирайверсин!

Қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг

Германия социал-демократик партияси ҳафталик «Форвертс» газетасининг саволларига жавоблари

Савол. Сизнинг ГФРга қиладиган визитингиз муносабати билан иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва шу муносабатларни келгусида ривожлантириш истиқболлари хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

Жавоб. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп соҳаларда мураффақиятли ривожланмоқда, деб ҳисоблайман. Бизнинг фикримизча, бошқарти бу муносабатлар сунъий тўсиқларга дуч келмаса, унинг келгусидаги истиқболлари яхши.

Берган саволингиз муносабати билан Совет Иттифоқи ва Федератив Республика ўртасида 1970 йил августида Москвада имзоланган шартномани эсламай ўта олмайман. Орқада қолган ўтмиш иккала халқ учун ҳаддан ташқари фожиали эканлиги важидан ҳам ўшанда қилинган дадил бурилишга юқори баҳо бериш мумкин.

Шартнома халқаро миқёсдаги катта воқеа бўлди. У кескинликни юмшатиш биносига қўйилган энг муҳим ғиштларнинг бири бўлди. У кўпдан бери кутиб келинган ижобий ривожланишга туртки берди. Унинг кетидан бошқа бир қанча битимлар, шу жумладан кўп томонлама битимлар ҳам тузилди.

Ўша пайтдан бери катта йўл босиб ўтилди. ГФР Польша Халқ Республикаси билан, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикаси билан муҳим шартномалар тузди. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги характер касб этди. Ҳамкорлик норма бўлиб қолди. Бирбиримизнинг сўзимизга, бир-галикда тузилган ҳужжатлар остидаги имзоларга муайян ишонч вужудга келди. Ҳукумат аъзолари, парламент аъзолари, сиёсат ва жамоат арбоблари ўзаро учрашиб турибдилар, кўпдан-кўп делегациялар бориб келмоқдалар. Маданият ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Хуллас, хилма-хил алоқаларнинг бир талай ташрибаси тўпланди.

СССР билан ГФР ўртасидаги самарали алоқаларни йўлга қўйишда ва мустаҳкамлашда олий даражадаги учрашувлар муайян роль ўйнаганлиги ва ҳозир ҳам ўйнаётганлиги равшан. Ҳар сафар бундай алоқалар қандайдир янги, ижобий хусусият бахш этмоқда, чигал тугунларни ечиш, бундан буёнги тараққиётга асос бўладиган қарорлар қабул қилиш имконини бермоқда. Шу боисдан ҳам ҳозир бизнинг мамлакатимизда ва бошқа мамлакатларда ҳам бизнинг Бонида президент В. Шеел ва канцлер Г. Шмитд билан бўладиган суҳбатларимизга зўр қизиқиш билан қаралаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Мен раис В. Брандт билан ҳам бажону-дил учрашаман, у билан бирга биз иккала мамлакат ўртасидаги яхши муносабатлар йўлини очабошлаган эдик.

ГФР билан муносабатлар — Совет Иттифоқининг кўп томонлама, аслида жаҳоншумул алоқаларининг бир қисмидир. Аммо бу — жуда муҳим қисмдир. Чунки, Европа ишларида ҳам, анча кенг миқёсда ҳам кўп нарса иккала мамлакатимизнинг позицияларига ва уларнинг ҳамжиҳатлигига боғлиқ. ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати — халқаро кескинликни юмшатишнинг, Европада ва бошқа қитъаларда ҳам тинч-тотув яшашнинг сезиларли кўрсаткичидир.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: Федератив Республика билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатлар — партиямиз билан давлатимизнинг узоқ муддатли принципиал йўлидир.

СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай муаммолар, ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ, деб айтиш мумкинми? Йўқ, бундай деб айтиш мумкин эмас, албатта. Гарчи, турли хусусиятларга молик бўлса ҳам, шундай муаммолар бор.

Ишнинг объектив жиҳати бор, аввало — биз турли ижтимоий системалардаги давлатларда яшаб турганлигимиз фактининг ўзи ана шундай объектив жиҳатдир. Шунинг ўзидан ўзаро алоқаларнинг турли соҳаларида бир талай чигалликлар келиб чиқади. Аммо тинчликда яшашни ва ҳамкорлик қилишни ўрганиш керак, чунки давлатларнинг тинч-тотув яшаши ўрнини босадиган бошқа бирон бир оқилона илож йўқ.

Бироқ, бошқа турдаги қийинчиликлар ва тўсиқлар ҳам бор. Булар социализмга нисбатан агрессив кайфиятда юрган «совуқ уруш» замонларини қўмсаётган кучларининг зўр бериб қилаётган ҳаракатлари натижасида келиб чиқмоқда. Айни шу кучлар турли уйдирма ва важлар билан Советларга қарши доимо кампаниялар ташкил этмоқдалар, жўрттага чигалликлар келтириб чиқармоқдалар. Бизнинг ички ишларимизга аралашишга уринмоқдалар, қуролланиш пойгасини кучайтиришга интилмоқдалар. ГФРда анча нуфузли бўлган ана шу кучларнинг ҳатти-ҳаракатлари иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни бир текис ривожлантиришга халақит бермоқда, аввало халқаро ишлардаги ҳамкорлигимиз имкониятларини заифлаштирмоқда.

Биз шунга аминмизки, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар қандай муаммоларига эҳтиросларни кучайтиришдан, ихтилофларни кескинлаштиришдан воз кечиб, иккинчи томоннинг фикрини тушуниш истаги билан, вазмин ва оқилона ёндошилса, бизнинг замонамизда бу проблемаларнинг ҳаммасини ҳал этиш мумкин. Иккала томон ҳам холис ниятда бўлган тақдирда келажакка умид билан қараса бўлади.

Савол: ГФРдаги баъзи кишилар СССР билан савдо-саноат алоқалари «юқори нуқтага етилди» деган маънодаги гапларни айтмоқдалар. Шу масала хусусида қандай фикрдасиз?

Жавоб. Бундай эмас, деб ўйлайман. СССР билан ГФР ўртасидаги савдо-сотиқнинг ўсишини тасвирлайдиган рақамлар динамикасига бир назар ташланг. Ўсиш динамикаси анча салмоқли бўлиб кўринади. Товар оборотн 1977 йилда 1973 йилга нисбатан 2,5 баравар, 1970 йилга нисбатан эса 5,5 баравар кўпайди. Бизнинг капиталистик давлатлар билан савдо-сотиғимизда ГФР биринчи ўринда турибди. Икки ўртада кўпгина ўзаро манфаатли битимлар тузилган. Қувурлар эвазига Совет Иттифоқидан ГФРга табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги контракт бунинг яхши мисолидир. Бу контрактнинг аҳамияти ҳамкорликнинг кўлами билангина эмас, узоқ муддатга — икки минггинчи йилгача мўлжалланганлиги билан ҳам белгиланади. Бу мисол иккала мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини барқарор ва мустаҳкам қилишга ҳар иккала томон интилаётганлигидан дарак беради.

Ғарбий Германия фирмалари бизнинг мамлакатимизда дунёда энг катта Оскольск электр-металлургия комбинатини барпо этишда, «Шереметьево» аэропортини қуришда қатнашмоқдалар. Яқинда мен чинакам «аср қурилиши» деб номланган Байкал-Амур магистрали районига бориб келдим. У ерда ГФРдан сотиб олинган юк автомашиналари яхши ишламоқда. Волжск заводининг «Лада» автомобилини сизларнинг кўпгина гражданларингиз севиб қолишган. Бундай мисолларни кўплаб айтиш мумкин.

Аммо сизнинг мамлакатингиз билан иқтисодий алоқаларнинг ҳолатидан биз тўлатўкис мамнунмиз, деб айтсак, нотўғри гапирган бўлур эдик. ГФР фирмалари билан бизнинг ташкилотларимиз ўртасидаги алоқаларда ҳамма иш ҳам ва ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлиб чиқаяпти, деяолмаймиз. Биз буни биламиз ва ўз томонимиздан зарур чораларни ўз вақтида кўришга интиляпмиз. Федератив Республика ҳам дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз. Масалан, биз, ниҳоят, совет молларини олиб кириш соҳасидаги чеклашлар тугатилади, анча қулай таможня режими ўрнатилади, деб умид қиламиз.

Иккала мамлакатимиз экономикаси баъзи жиҳатдан бир-бирини тўлдириши мумкинлиги тўғрисида илгари ҳам гапирган эдим. Халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашиб бораётганлиги барча мамлакатлар олдида катта имкониятлар очади. Бу эса иккала томоннинг манфаатлари йўлида иқтисодий алоқаларимизни доимо ўстиришнинг ҳам жуда катта резервидир. Бунинг устига шу пайтгача қарор топган иқтисодий алоқа формалари билан чекланиб қолмасдан, янги формаларни қидириш, сергак ҳисоб-китобларга ва ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган омилкорлик ҳам кўрсатиш мумкин, албатта.

СССРнинг жами иқтисоий маҳсулотига нисбатан Совет Иттифоқининг ГФРга экспорт қилаётган моллари 0,09 процентни ташкил қилади. Ғарбий Германиянинг СССРга экспорт қилаётган моллари эса ГФРнинг ялпи иқтисоий маҳсулотига нисбатан 0,6 процентга боради. Шу сабабли, иккала мамлакатимизнинг савдо-саноат алоқаларида «юқори нуқтага етилди» деган гапга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Савол: Европадаги кескинликни янада юмшатиш йўлида конкрет қадамлар қўйиш учун қандай имкониятлар бор, деб ўйлайсиз?

Жавоб. Европадаги кескинликни янада юмшатиш ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатишнинг етук, энг зарур масалаларини ҳал этиш яши қандай боришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳатто шундай дейиш мумкин: биз сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш жараёни ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш жараёни билан бирга қўшиладиган маррага етиб келдик. Шу боисдан ҳам ҳозир қуролланиш пойгасини қисқартириш, шу қуролланиш пойгасини жиловлаш юзасидан амалий чораларни кўриш энг муҳим вазифадир.

Маълумки, Совет Иттифоқи ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш тадбирларининг бутун бир платформасини таклиф этди. Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатишдан воз кечиш ҳам, мавжуд ҳарбий гуруҳларни кенгайтирмаслик ҳам, машқларда қатнашувчи қўшинлар сонини чеклаш ҳам шулар жумласига киради.

Ишнинг сиёсий жиҳатини ҳам бирон дақиқа эсдан чиқармаслик кераклиги, равшан. Европада ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатишга қўлайлик бердиган иқлим давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг раҳбар арбоблари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, тузилган шартномаларни ҳурмат қилиш, Хельсинкидаги кенгашда эришилган аҳдномаларни изчиллик билан бажариш асосида вужудга келади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа конгрессларини чақириш тўғрисидаги таклифларимизни Ғарбдаги кўп кишилар яхши назар билан кутиб олдилар. Бас, шундай экан, амалий ишга ўтиш мумкин бўлур эди, бироқ, афсуски, бу ишда ҳам Ғарбдаги музокарадошларимиз изчиллик кўрсатмасдан, сусткашлик қилмоқдалар.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Биз Ғарбий Берлин ҳам Европада кескинликни юмшатиш харитасида оқ доғ бўлиб қолмаслигининг тарафдоримиз. Ҳозирча биз тўрт томонлама битимни четлаб ўтиш йўлидаги уринишларга дуч келиб турибмиз. Бу шаҳар ГФРнинг бир қисми эмаслиги билан ҳисоблашишни ҳақиқатда истамаслик намойиши бўлган ҳаракатлар содир бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси кескинликни юмшатиш руҳига зид келади, халқаро вазиятни чигаллаштиради. Биз бундан бошқача баҳо бераолмаймиз.

Кўриниб турибдики, кескинликни юмшатиш тақдирини белгиловчи омиллар кўп. Кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган омилларгина амал қилади, деб умид қилгимиз келади.

Савол. ГФРда ва бошқа мамлакатларда ҳам Совет Иттифоқи ўзининг ҳарбий потенциалини миқдор ва сифат жиҳатидан кучайтирмоқда, бу иш мудофаа эҳтиёжларидан ортиқ даражада мунтазам ва изчиллик билан қилинмоқда, деган хавфсираш мавжуд. Кескинликни юмшатиш ҳарбий соҳада ҳам мувозанат негизида бир бирлимга келишни талаб қилади, деган фикрга Сиз ҳам қўшиласизми?

Жавоб. Аввало энг муҳим гапни айтишга ижозат бераси: Сиз тилга олган хавфсираш учун ҳеч қандай асос йўқ. Совет Иттифоқи Европага ёки ер курраснинг бошқа бирон бир қисмига ҳарбий хавф солаётгани йўқ ва солиши ҳам мумкин эмас.

Аввалига масаланинг иқтисол факт жиҳатига эътибор берайлик.

Европа тўғрисида. Ғарб мамлакатлари матбуотининг саҳифаларида ҳамда Ғарбдаги баъзи бир сиёсий ва ҳарбий арбобларнинг гапларида гўё Совет Иттифоқи ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар Европа қитъасида НАТО мамлакатлари устидан «ҳарбий устунлик»ни вужудга келтириб олдилар ва бу ердаги ўз қуролли кучларини тинимсиз кўпайтирмоқдалар, деган даъволар кўпинча эшитилиб турибди.

Бу — юмшоқ қилиб айтганда — одамларни чалғитадиган ва тарафкашлик билан айтилган даъволардир.

Гапни шундан бошламоқчиманки, Совет Иттифоқи бир неча йиллардан бери ўзининг Марказий Европадаги, яъни ҳозир Вена музокараларининг мавзуи бўлган райондаги қуролли кучларини кенгайтирмаяпти, кўпайтирмаяпти. Бугина эмас, биз ва иттифоқчиларимиз Ғарб томонига Вена музокараларн давом этаётган бутун вақт ичида Марказий Европадаги ўз қуролли кучларини ва қурол-яроғларини кўпайтирмаслик тўғрисида ҳар иккала томон ўз зиммасига бевосита мажбурият олиши учун келишиб олишни сабот билан таклиф этаяпмиз. Афсуски, Ғарб мамлакатлари Бизнинг бу таклифимизни ҳозирча қабул қилганлари йўқ.

Уларнинг амалий ҳаракатлари эса тескари йўлдан бормоқда.

«Устунлик»ка келганда, Венадаги ўша музокараларнинг ўзида томонлар бир-бирларига расмий рақамлардан иборат маълумотларни топширдилар, ҳеч қандай «устунлик» ёки «номутаносиблик» йўқлиги шу маълумотлардан равшан кўриниб турибди. Ғарб ҳам, Варшава шартномаси мамлакатлари ҳам Марказий Европада тахминан тенг миқдордаги қуролли кучларга — икки томоннинг, ҳар бири жами 980 мингдан сал кўпроқ кишига эгадир.

Ўз-ўзидан равшанки, мутаносиблик — тўла тенглик эмас. Ҳар бир томон қуролли кучларининг ўз структураси бор. Айтайлик, бизда қуруқликдаги қўшинлар составидаги ракеталар, НАТО блокида эса ҳарбий-ҳаво кучлари составидаги ядро зарядлари жойланган ракеталар устунлик қилади ва ҳоказо.

Уларнинг ҳаммасига шуни қўшиш мумкин: Ғарбдаги ҳарбий ва сиёсий арбоблар, уларнинг фикрича, Ғарбнинг қурол-яроғларидаги миқдорий устунлиги мавжудлиги тўғрисидаги гапни тез-тез такрорламоқдалар. Модомики шундай экан, ўша доираларнинг «шарқдан хавф бор» деган ҳавойи хавф хусусидаги даъволарида қандай мантиқ бор?— деган савол туғилади.

Икки ҳарбий-сиёсий гуруҳнинг асосий кучлари Европада бир-бири билан жуда яқин, юзма-юз турибди. Умуман олганда бу ерда ҳарбий мувозанат мавжудлиги шубҳасиз. Гап шундаки, бу мувозанатни ҳозиргидек ана шундай юксак даражада сақлаб туриш лозимми ёки мувозанатни ҳеч кимнинг фойдасига ўзгартирмай, туриб, бу даражани пасайтириш мумкинми? Биз, Совет Иттифоқидагилар бу даражани пасайтириш мумкин ва лозимлигига ишончимиз комил.

Иккала ҳарбий-сиёсий гуруҳда қатнашувчи энг катта давлатлар, яъни Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги қуролларинг бутун жаҳон миқёсидаги нисбатига келганда, бу соҳада, иккала томон расмий равишда эътироф қилганидек, тахминий тенглик, яъни стратегик қуролларнинг мувозанати вужудга келди ва сақланиб турибди. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида 1972 йилда тузилган ва ҳозирги вақтда тайёрланаётган Совет-Америка битимига ҳам айни шу тенглик асос қилиб олинган.

Шуни қўшимча қила оламанки, Совет Қуролли Кучларининг умумий миқдори гарчи, зарурат туғилган тақдирда, агрессор қаерда бўлишидан — Ғарбда ёки Шарқда эканлигидан қатъий назар, унга жавоб зарбаси бериш учун мутлақо етарли бўлса ҳам, аммо Ғарб учун ҳеч қандай «ҳарбий хавф» туғдирмайди. Дарвоқе, холис кузатувчилар, шу жумладан Америка матбуотидаги кузатувчилар ҳам буни яхши тушунадилар ва тан оладилар.

Энди бизнинг Ҳарбий-Денгиз Флотимиз тўғрисида. Аввало оддий бир фактни эслатиб ўтай: Совет Иттифоқининг денгиз чегаралари 40 минг километрдан ошади. НАТО мамлакатлари денгизда қудратли қўшин воситаларига эга бўлиб турган бир шароитда биз бу соҳада ҳам тегишли мудофаа тўғрисида ўйлашга мажбурмиз. Биз ана шундай мудофаа вазифаларини бажаришга қодир бўлган ўз океан флотимизни вужудга келтирдик. Бу флотнинг қудрати Ғарб мамлакатлари флотининг қудратидан устун эмас, структураси нуқтаи-назаридан эса очиқдан-очиқ мудофаа характерига эга. Масалан, бизда зарбдор авианосецлар йўқлиги ва қурилмаётганлиги бежиз эмас.

«Совет ҳарбий хавфи» тўғрисида мулоҳаза билдириш ишқибозларининг яна бир севикли мавзуи СССРда граждан мудофааси юзасидан қурилаётган тадбирлардир. Уруш чиққан тақдирда тинч аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ана шу тадбирларни ҳам советларга қарши туҳмат тўқувчи мутахассислар «агрессивлик» нишонаси деб риёкорона талқин қилаётганликлари: гўё СССР «биринчи бўлиб зарба беришга» ҳозирлик кўрмоқда, жавоб зарбасидан яширинмоқ қолишга умид боғламоқда, деб даъво қилаётганликлари ақл бовар қилмайдиган гап бўлса ҳам, аммо фактдир.

Ҳамма нарсанинг оёғини осмондан қилиб қўйиш учун ҳақиқатан ҳам соҳта тасаввур бундай кимсаларнинг қонига сингиб кетган бўлса керак. Бундай даъволарга ишонадиган эс-ҳушли одамлар наҳотки топилса?

Биз урушни хоҳламаймиз ва уруш тайёрлаётганимиз йўқ. Аммо агрессорнинг ҳаракатлари аҳоли орасида нақадар катта қурбонлар келтириб чиқариши мумкинлигини совет халқи ўзининг аччиқ тажрибасидан билади. Биз эса бошқа томоннинг «олдинроқ, қудратли, яксон қилувчи зарбалар» беришга тайёр эканликлари хусусидаги ва шу сингари гапларини тез-тез эшитиб турибмиз, шу боисдан ҳам ҳеч қандай ҳимоя чораларини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Ашаддий тухматчиларгина буни бирон бир кимсага ҳужум қилишга тайёргарлик деб кўрсатишлари мумкин.

Бошқа баъзи мамлакатлар да кенг тарқалган — ядро уруши оқибатларига бепарволик билан миқдорий ёндошиш — граждан аҳоли орасидаги қандайдир қурбон бўлиш проценти «мақбул» деб эълон қилинадиган ёндошиш бизга ётдир. Жаҳон ядро уруши давомида планета аҳолисининг «атиги 10 процентн» ҳалок бўлади ва бу— унчалик даҳшатли эмас, қиёмат қойим эмас, деб Ғарбда айтилаётган даъватлар бизни асло қувонтирмайди. Биз ҳеч кимнинг, бирон кишининг ҳам ана шу «10 процент ҳисобига кириб қолишини истамаймиз.

Совет Иттифоқига келганда, тахрор айтаманки, у «биринчи бўлиб зарба беришни» йўлаётгани ҳам йўқ. Аксинча, биз Умумевропа кенгашининг барча қатнашчиларига, жумладан АҚШга бир-бирига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида шартнома тузишни расмий равишда таклиф қилганлигимиз яхши маълум. НАТО мамлакатлари бу таклифни рад этиб, бизнинг мамлакатимизга биринчи бўлиб зарба бериш режасидан воз кечиш истагида эмасликларини бир мунча равшан шаъма қилаётганликлари ҳам маълум. Хўш, ким-кимга таҳдид қилаётган экан?

Ишларнинг ҳақиқий аҳволи ана шундай.

Энди масаланинг сиёсий жиҳатига назар ташлайлик.

Совет Иттифоқи — ҳақиқатан ҳам қудратли, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда қудратли давлатдир. Аммо Совет Иттифоқи — тинчликсевар давлат. Унинг тинчликсеварлиги жамиятимиз табиатининг ўзидан келиб чиқади, одамларнинг моддий фаровонлиги ва маданиятини муттасил ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш —жамиятимизнинг олий мақсади эканлиги энг юксак сиёсий ташкилотларининг қонунлари ва қарорларида эълон қилинган. Биз бирон-бир ваифани ҳарбий йўл билан ҳал этмоқчи эмасмиз. Биз бирон-бир давлатга ҳарбий тўқнашув чиқариши мумкин бўлган территориал ёки бошқа бирон-бир даъво қилганимиз йўқ. Бундан ташқари совет кишилари, шу жумладан совет раҳбарлари ҳам бизнинг замонамизда урушнинг қийфаси қандайлигини ўз тажрибаларидан жуда яхши биладилар ва эслайдилар.

(Давоми 2-бетда)

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари Ватанимизнинг жанубий чегараларини 60 йилдан буён мустаҳкам қўриқлаб турибдилар. Шаҳар жамоатчилиги ва пойтахт гарнизон жангчилари вакилларининг 3 май куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Йиғилиш аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномасини қарсаклар билан кутиб олди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов табрикномани ўқиб берди. Ҳарбий округга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Округ республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда актив қатнашганлиги, аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш олиб борганлиги учун ана шу мукофот билан тақдирланган эди.

СССР Мудофаа министрлиги ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг округга йўллаган табрикномаси ўқиб эшиттирилади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал полковник С. Е. Белоножко туркистонлик жангчилар 60 йил мобайнида босиб ўтган шонли йўл тўғрисида гапириб берди.

Чегара қўшинларининг, республика пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари туркистонлик жангчиларни табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд рух билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР СОҲА

Кеча Оҳангарон район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII Пленумининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида район партия комитетининг биринчи секретари К. А. Аъзамов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалик ходимларининг ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилганликлари, қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаси чорвачиликни янада юксак даражага кўтаражаклари ҳақида гапирдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига сафари вақтида, шунингдек ВЛКСМ XVIII съездидаги нутқида айтган маслаҳатлари ва тавсияларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

Пленумда район хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш йўлида эришилган илғор тажрибалар муфассал анализ қилинди. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим соҳасида юз бераётган жиддий камчиликлар таъкидланди, фойдаланилмаётган резервлар кўрсатиб ўтилди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Пленум районда чорвачиликни янада ривожлантириш, гўшт, сут маҳсулотлари ва тухумни янада кўпайтиришни таъмин этишга мўлжалланган тадбирларни маъқуллади.

Район партия комитетининг Пленумида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. Юсупов, область партия комитети секретари А. И. Икромов иштирок этдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети атоқли совет композитори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати Арам Ильич **Хачатурян**нинг узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1978 йил 1 майда 75 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СОВЕТИ СССР ОЛИЙ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг

Германия социал-демократик партияси ҳафталик «Форвертс» газетасининг саволларига жавоблари

(Бошн 1-бетда).

Германия Федератив Республикасининг кекса авлодга мансуб аҳолиси ҳам бу қиёфа қандайлигга тўғрисида тасаввурга эга, бинобарин совет халқининг тинчликда яшашга бўлган қизғин иштиёқи, эҳтимолки, айтайлик, Кўшма Штатларнинг аҳолисидан кўра уларга тушинарлироқдир.

«Совет ҳарбий хавфи» деган ва Гарбда тарқатилаётган машъум мулоҳазаларда гўё Совет Иттифоқи ўз ҳарбий имкониятлари туфайли қандайдир даҳшатли ниятларни кўзламоқда, деган гапни асосий «далил» деб исбот қилиб кўрсатмоқдалар. Ла-Маншга етиб бориш учун Совет Армиясига неча соат керак бўлади, деган мулоҳазалар ана шундай соҳтакорликка мисол бўла олади.

Аммо Совет Иттифоқи на Гарбдаги, на Шарқдаги, на Шимолдаги, на Жанубдаги бирорта давлатга ҳужум қилмоқчи эмас. Совет Иттифоқи Гарбий Европани мутлақо «ҳўлга киритиб» олмоқчи эмас. Бизнинг бош штабимиз ҳам «Ламаншга етиб олиш» графигини тузиш устида ишлаётгани йўқ. Совет ҳарбий қурилишининг доиралари зарур мудофаа даражаси билан белгиланади. СССРнинг мудофаа эҳтиёжларини ҳамалараида, мамлакатимизнинг географик ҳолатини ҳам эсда тутиш керак. Совет Иттифоқининг ҳақиқий ниятлари расмий партия ва давлат ҳужжатларида равшан баён этилган. Совет халқи қандай маънавий-сиёсий муҳитда яшаб, тарбияланаётганлигига қараб ҳам бу ниятлар тўғрисида ҳукм чиқариши мумкин. Милитаристларнинг пропаганда қилиш, урушга тайёргарлик кўришга даъват қилиш, бошқа халқларга нисбатан ишончсизлик ва душманликни кучайтириш бу муҳитга ёт нарсадир.

Совет давлатининг тарихида унинг тинчликсеварлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Шу мисолларнинг ўзи ҳарбий хавфнинг ҳақиқий сабабларини ва манбаларидан яққол далолат беради. Шу тарихнинг ўзи биз мамлакат мудофаси масалаларига жиддий эътибор беришимизга тўғри келаётганидан дарак беради. Октябрь революциясидан кейинги дастлабки кунларда давлатимиз ўзаро уруш қилаётган барча давлатларни сулҳ тузишга даъват этганида, Гарб мамлакатлари бизга коллектив бўлиб душманлик интервенцияси бошлаш билан жавоб бердилар. СССР 30-йилларда мўътабар халқаро минбарда туриб Европанинг коллектив хавфсизлигини таклиф қилганида бунга Мюнхен битими ва шундан кейин бошланган гитлерчилар агрессияси билан жавоб берилди. Совет Иттифоқи агрессор тор-мор этилганидан кейин уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклашга киришганида, Гарб бизга қарши «совуқ уруш» бошлади ва атом қуролини пеш қилиб, чамаси, уруш пировардида заифлашган СССР ташқаридан бериладиган буйруққа бўйсинишига умид боглади. Шу кунларда Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини чеклашга, қуролсизланишга оид олисни кўзловчи конкрет реалистик таклифларни ўртага қўйганида бунга жавобан нейтрон қуролини ўқталишга киришмоқдалар.

Дарвоқе, урушдан кейинги йиллар тарихи билан таниш бўлган ҳар бир киши қуролланиш пойгаси: «ҳаракат — қарши ҳаракат» прин ципи асосида ривожланганини: Гарб дастлаб қилаверганидан кейин Совет Иттифоқи бунга тегишли жавоб бериш лозим бўлганлигини яхши эслайди. Биринчи атом бомбасидан тортиб ҳозирги кунимизгача ўтган бутун давр мобайнида ана шундай бўлди. Қуролланиш пойгасининг ҳар бир янги давраси бошланган пайтда «совет хавфи» тўғрисидаги алжирашнинг янги тўлқини доимо кўтарилаверди.

Газетангизнинг муҳтарам ўқувчилардан яна бир нарсани эсга олишни сўрайман. СССР ва иттифоқчиларимизнинг Жанубдаги ва Шимолдаги, Гарбдаги ва Шарқдаги чегараларн бўйлаб машъум занжирдек чўзилган ҳамда олисга отиладиган ядро қуроли ва бошқа қуроллар билан таъминланган бомбардимончи самолётлари ҳамда сув ости кемаларининг ўнлаб ҳарбий базаларини биз эмас, балки Америка Қўшма Штатлари барпо этди. СССРнинг кўрган табиий мудофаа чоралари муносабати билан қалбаки қўрқув ва жазава уруғини сочаётган бугунги кимсаларга, шунингдек ана шу саросималик уруғларини сочувчиларнинг гапига ишонувчи кишиларга, гарчи бироз бўлсада ўзларини хаёлан совет кишиларининг ўрнига қўйиб кўришларини таклиф қилмоқчиман. Ахир бизнинг мамлакатимиз неча ўн йиллардан бери ана шу базалар билан қуршаб олинган. Бундай вазиятда ана шу асаби заиф жаноблар қандай гапира бошлаган бўлишларини тасаввур қилиш қизиқ.

Аммо совет кишиларининг асаблари мустаҳкам. Улар саросимага тушганларн йўқ ва ҳеч қачон тушмайдилар ҳам. мамлакатни вужудга келган хавф-хатардан мудофаа қилиш учун зарур чораларни кўрмоқдалар ва мустаҳкам тинчлик учун, аввало Европада ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтириш учун кунт билан изчил кураш олиб бормоқдалар.

Очиғини айтганда, менинг назаримда, ҳозир Гарбда «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги уйдирма кампанияни авж олдираётган кимсалар ҳақиқатда бошқа нарсани ўйламоқдалар. Улар томонларнинг ҳарбий кучлари нисбатида вужудга келган тахминий мувозанатга тоқат қилишни истамаяптилар, ва устунликка эришишни истамоқдалар. Бундай қилиш эса ҳарбий базаларини биз эмас, балки Америка Қўшма Штатлари барпо этди. СССРнинг кўрган табиий мудофаа чоралари муносабати билан қалбаки қўрқув ва жазава уруғини сочаётган бугунги кимсаларга, шунингдек ана шу саросималик уруғларини сочувчиларнинг гапига ишонувчи кишиларга, гарчи бироз бўлсада ўзларини хаёлан совет кишиларининг ўрнига қўйиб кўришларини таклиф қилмоқчиман. Ахир бизнинг мамлакатимиз неча ўн йиллардан бери ана шу базалар билан қуршаб олинган. Бундай вазиятда ана шу асаби заиф жаноблар қандай гапира бошлаган бўлишларини тасаввур қилиш қизиқ.

Аммо совет кишиларининг асаблари мустаҳкам, Улар саросимага тушганларн йўқ ва ҳеч қачон тушмайдилар ҳам. мамлакатни вужудга келган хавф-хатардан мудофаа қилиш учун зарур чораларни кўрмоқдалар ва мустаҳкам тинчлик учун, аввало Европада ҳарбий қарама-қаршилик даражасини камайтириш учун кунт билан изчил кураш олиб бормоқдалар.

Очиғини айтганда, менинг назаримда, ҳозир Гарбда «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги уйдирма кампанияни авж олдираётган кимсалар ҳақиқатда бошқа нарсани ўйламоқдалар. Улар томонларнинг ҳарбий кучлари нисбатида вужудга келган тахминий мувозанатга тоқат қилишни истамаяптилар, ва устунликка эришишни истамоқдалар. Бундай қилиш эса хатарлидир, чунки бундай ёндошиш қурол ишлаб чиқаришда янги тўхтовсиз пойга бошланишига олиб боради ва ҳарбий авантюралар хавфини туғдиради. Ана шу кишилар, ниҳоят бир нарсани тушуниб олишлари керак: Совет Иттифоқи ҳар қандай ҳарбий дағдағага ҳамиша муносиб жавоб бериб келган ва бундан буён ҳам муносиб жавоб беришига ишончингиз комил бўлаверсин.

Совет Иттифоқи эса мудофаа эҳтиёжлари учун тахминий тенглик ва мувозанат етарли, деб ҳисоблайди. Биз ҳарбий устунликка эришиш мақсадини ўз олдимизга қўймаймиз. Шу пайтгача тўпланган ҳарбий қурол ва уни элтиш воситаларининг жуда катта ҳазинаси мавжуд бўлган шароитда бу тушунчанинг ўзи моҳиятидан маҳрум бўлишини ҳам биламиз.

Совет Иттифоқи «даҳшат мувозанатига» қатъиян қаршидир.

Биз ишонч мувозанати тарафдоримиз. Айни шу боисдан ҳам биз кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришни, халқаро ҳамкорлик даражасини ошириш ва мазмунини бойитишни, аввал бошда қуролланиш пойгасини тўхтатишни, сўнгра эса қуролсизланишнинг самарали йўлини қунт билан излашни шу қадар сабот билан таклиф қилаяпмиз.

Биз Венада томонларнинг Марказий Европадаги қурол-яроғ ва қуролли кучлар ва қурол-яроғ даражасини беш процент, ўн процент, йигирма процент, агар маъқул бўлса эллик процент камайтириш тўғрисидаги битимни имзолашга доимо тайёрмиз. Аммо, келинглар, бу ишни виждонан бажарайлик, шундай қилайлики, кучларнинг мавжуд нисбати бузилмасин, бир томонга фойда ю, иккинчи томонга зарар бўлмасин. Келинглар, ҳозирнинг ўзидаёқ реал ва иккала томонга мақбул бўлган таклифларни амалга оширайлик, музокаралардан бир ёқлама ҳарбий афзалликларга эришиш учун фойдаланишга уринмайлик.

Сиз берган саволга менинг жавобим ана шундай.

Савол. Сиз ўзингизнинг 1973 йилги биринчи визитингизни эслаб, ўз визитингиздан шахсан нималарни кутаяпсиз?

Жавоб. Мен ўзимнинг Федератив Республикага қилган биринчи сафаримни, давлат арбоблари билан, партиялар, касаба союзлари, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан бўлган учрашувлар ва суҳбатларни мамнуният билан эслайман.

Ана шу мамнунлик тассуротлари бу гал янада кўпроқ кучайишидан, энг муҳими эса иккала халқ учун, тинчлик иши учун бир мунча фойдали, зарур иш қилишга муваффақ бўлишдан умидворман.

Пировардида газетангизнинг ўқувчиларига самимий салом топширишга ҳамда Федератив Республикасининг барча гражданларига эзгу тилаклар билдиришга ижозат берганингиз учун сизга ташаккур изҳор қиламан.

ВАЪДА БАЖАРИЛАДИ

Экишни районда биринчилар қаторн тамомлаган хўжалигимиз пахтакорлари дастлабки агротехник ишловни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Шу кеча-кундузда айниқса, механизаторларимизнинг шашти баланд. Малик Қўзиев бошлиқ бригада механизатори Абдуҳошим Номозбоев алоҳида ўрнини ошириш учун ҳам қизғин нураб боряпти. Ҳозир кузда экилган галла қишдан яхши чиқиб, дуркун ривожланаётир. Айниқса, биринчи ишлов берилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилгандан сўнг арпа ва буғдойлар бўйига кун сайин бўй қўшилаётир. Механизаторларимиз ҳам бекор туришгани йўқ. Мудлатидан илгари сеялка қўйилган комбайнларни қайта-қайта синовдан ўтказмоқдалар. Улар ўрим-йиғимни ипатоволиклар усулида ташкил этиб, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиштириб олиб, давлат омборига жами 1316 тонна галла тўнишига қарор қилганлар.

Шу кеча-кундузда далалар чиройи, файзи янада ўзгача, Баҳор серёғин келиб қишлоқ хўжалик экинлари барқ уриб ривожланди. Қисқа муддатларда сифатли қилиб экилган чигит ҳам текис униб чиқиб, эндиликда бир нипга тизилгандай дуркун кўзга ташланиб қолди.

Бу йил эрта кўкламданоқ деҳқонларнинг кайфияти ҳам яхши бўлиб, улар кўтаринки руҳ билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Чунки зардоб йил ҳар бир меҳнат кишисини янги-янги зафарларга руҳлантирувчи муҳим воқеаларга бой келди. Айниқса, серқуёш республикамизнинг янги Конституцияси қабул қилинганлиги ҳамма жабҳаларда меҳнат активлигини оширибюборди.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти дастлабки агротехник ишловни сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида колхозчилар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш чораларини кўраётир. Мусобақада голибларга ойлик иш ҳақига 30 процентдан қўшимча ҳақ тўлаб берилмоқда. Бригадалар ўртасидаги мусобақага эса ҳар беш кунда якун ясалиб, кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти берилаётир.

Фақат пахтачиликдагина эмас, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун ҳам қизғин кураш боряпти. Ҳозир кузда экилган галла қишдан яхши чиқиб, дуркун ривожланаётир. Айниқса, биринчи ишлов берилиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилгандан сўнг арпа ва буғдойлар бўйига кун сайин бўй қўшилаётир. Механизаторларимиз ҳам бекор туришгани йўқ. Мудлатидан илгари сеялка қўйилган комбайнларни қайта-қайта синовдан ўтказмоқдалар. Улар ўрим-йиғимни ипатоволиклар усулида ташкил этиб, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиштириб олиб, давлат омборига жами 1316 тонна галла тўнишига қарор қилганлар.

100 центнерчилик ҳараҳатига қўшилган маҳкамҳўжорикорларимиз ҳам бу йил кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Улар дастлабки парваришни анча илгари тамомладилар. Уларнинг 658 тонна ҳақрабо дон сотиш юзасидан қабул қилган мажбуриятларини сўзсиз бажаришларига шубҳа йўқ.


Чорвадорларимиз ҳам умумколлектив ҳаракатидан ортда қолмаётирлар. Улар чорва моллар туёғини сезиларли даражада кўпайтиришга эришдилар. Бузоқ ва қўзи олиш планлари ортиғи билан бажарилди. Давлатга гўшт топшириш квартал планини муддатидан илгари адо этдилар.

Озуқа етиштириш билан шуғулланаётган бригада коллективи дастлабки беда ўримини бошлаб юборган. Ҳозир ана шу кўк массадан тўйимли озуқа тайёрлаш қизғин давом этмоқда. Кўк бодани майдалаб молларга бериш натижасида уларнинг маҳсулдорлиги тўрт-беш килограммга ошди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан ҳар бир сигирдан 110 килограммдан кўп сут соғиб олинди.

Бир сўз билан айтганда колхозимиз аъзолари меҳнатнашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамини ана шундай салмоқли кўрсаткичлар билан кутиб олдилар. Улар зардоб йил юзасидан қабул қилинган мажбуриятларн шартларини тўла ва ошириб бажариш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратларини аямай меҳнат қилаверадилар.

А. АБДУҲОЛИҚОВ.
Пискент районидаги Калинин номли колхоз раиси.

Олмалиқ химия заводининг учинчи навбати қурилиши жадал суръат билан давом этмоқда. Корхонанинг янги қуввати шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилади. Суратларда: пешқадам монтажчилар В. Мавлонов ва Б. Оролов. Завод корпусларидан бири.



В. СИРОТКИН фотолари.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР ЙЎҚ

ЯНГИЙЎЛЛИК илғор саноат корхоналарининг «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остидаги ташаббуси республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Бу ташаббус айниқса Янгийўл шаҳри завод ва фабрикаларида юқори самара бермоқда. Жумладан, пойафзал фабрикасининг коллективи шу ташаббус асосида меҳнат қилиб, ойлик ва квартал план топшириқларини мунтазам ошириб бажаришга эришмоқда. Улар бу йил ҳам зиммаларига юксак мажбурият қабул қилишди. Йиллик планни муддатидан илгари бажариб, пландагига қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган юбилей йилидагига нисбатан 3,1 процент ортади. Меҳнат унумдорлиги 1,3 процент оширилади. Планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 78—80 процентн фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъйёрланади.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигида пойафзал сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил яна беш турдаги маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан таъйёрлашга эришилади. Шундан сўнг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 16,2 процентн давлат Сифат белгисига эга бўлади.

Янгийўллик пойафзалчилар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан илҳомланиб, хомашё ва материалларни тежашга ҳам катта эътибор беришяпти. Бу йил тежалган хомашё ва материаллар ҳисобига икки кун ишлашга аҳд қилдилар. 650 минг дециметр юз чарм, 150 минг дециметр қаттиқ чарм, 200 минг дециметр астар чарм 115 минг киловатт-соат электр энергияси ва 10 минг сўмлик ёрдамчи материаллар тежалади.

Т. НАЖМИН.

СЪЕЗД МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

ВЛКСМ XVIII съезди ғоятда ишчанлик ва жанговарруҳида ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг съездда сўзлаган нутқини комсомоллар, барча совет ёшлари жанговар ҳаёт кураш ва меҳнат программаси сифатида қабул қиладилар.

Кўпи кеча область комсомол комитетининг бир гуруҳ штатсиз лекторлари, олий ўқув юртлари ёш лекторлар мактабининг тингловчилари ВЛКСМ XVIII съездн материаллари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқини пропаганда қилиш мақсадида областимиз шаҳар ва районларига жўнаб кетдилар. Улар колхоз ва совхозларда, саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида лекция ва суҳбатлар ўтказишади.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР МАРКАЗИ

(ОБЛАСТЬ ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ БЎЙЛАБ РЕЙД)

Апрель ойининг иккинчи ярмида Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими, область касаба союзлари Совети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакцияларининг рейд бригадаси область дала шийпонларининг янги мавсумга тайёргарлиги ва оммавий-сиёсий ишларнинг қандай йўлга қўйилганлигини текшириб чиқди. Текширув давомида ютуқлар билан бирга жиддий нуқсонлар ҳам нўзга ташланди. Партия, совет, касаба союз ташкилотлари, хўжалик органлари бу камчиликларни тезда бартараф этиш йўлида зарур чораларни кўрмоқдалар.

Область қишлоқ меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида юксак марраларни кўзлаганлар. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларининг қабул қилинганлигидан руҳланиб, улар бу йил 430 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга, ҳосилдорликни гектар бошига 33 центнерга етказишга, ялпи ҳосилнинг 85 процентини машиналар билан териб олишга, камида 240 минг тонна дон, 370 минг тонна сабзавот, 89 минг тонна картошка ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга азму-қарор қилганлар.

Область далаларида янги ҳосил учун қизғин кураш бошланиб кетган. Бу йилги баҳорнинг ноқулай келиши деҳқонлардан яна ҳам маҳорат кўрсатиб меҳнат қилишни, қийинчиликларни мардонавор туриб енгишни талаб қилаяпти. Шу боисдан ҳам бутун куч ва имкониятни ҳозирданоқ юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш керак.

Деҳқонларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб бериш муҳим вазифадир. Бу соҳада дала шийпонларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Ҳозирги пайтда область колхоз ва совхозларида 1780 дан кўпроқ дала шийпони бор. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ меҳнаткашларига намунали хизмат қилаяпти. Сиёсий ахборотчилар, лекторлар тушки танаффус пайтида деҳқонларга кундалик ҳаётда рўй бераётган янгиликлардан сўзлаб бермоқдалар, бу йилги юксак вазифаларни ҳар бир меҳнаткаш онгига етказмоқдалар.

Дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантиришга район ва бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари, область мусассалари, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Бу йил областда яна 220 та типовой дала шийпони қуриш мўлжалланмоқда. Бу олдинги йилларга нисбатан 70 та кўпдир. Бекобод, Бўка, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районлари бу муҳим ишга жиддий муносабатда бўлмоқдалар. Ўрта Чирчиқда ўтган йилнинг ўзида 12 та дала шийпони қуриб фойдаланишга топширилган эди. Бу йил яна 30 та дала шийпони қурилади. Бўка районида ҳам дала шийпонлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу йил улар ёнига яна 21 та шийпон қўшилади. Чинозда 13 та дала шийпони қурилган эди. Бу йил яна 22 тасини қуриш мўлжалланаяпти.

Саноат шаҳарлари ва районлари қишлоққа кўрсатилаётган оталиқ ёрдамини тобора кучайтирмоқдалар. Уларнинг кучи билан колхоз ва совхозларда 34 та дала шийпони қурилди. Олмалиқ шаҳри корхоналари Пискент районида 8 та, Ангрен шаҳри корхоналари эса Бўка районида 6 та дала шийпони қурмоқдалар.

Область ташкилотлари ҳам дала шийпонлари ишини жонлантиришга ёрдам бермоқдалар. Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари область комитети энг яхши дала шийпони учун анъанавий кўрик-конкурс эълон қилди. Кўрик-конкурс тартиблари ва низомлари барча дала шийпонларига осиб қўйилган. Маданият ходимлари касаба союзлари область комитети эса сиёсий, қишлоқ хўжалиги ва бадиий адабиётлардан жамланган 265 та кутубхона, 10 минг нусха плакатни дала шийпонларига тақдим этди, Маданий-оқартув муассасалари, «Билим» жамияти, соғлиқни сақлаш органлари, матлубот жамиятининг маиший хизмат бошқармаси ҳам ўз йўли билан дала шийпонларида деҳқонларга хизмат қилмоқда.

Кўрилган тадбирлар туфайли дала шийпонларининг аксарияти намунали ҳолга келтирилди. Дала шийпонларида амалга оширилаётган оммавий-сиёсий ишлар мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга самарали таъсир ўтказаяпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Свернрй маяк» колхози 1-бригадасининг дала шийпонида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Шийпон тўла ремонтдан чиқарилган, намунали жиҳозланган. Сотувчисиз магазинда деҳқонлар рўзғори учун зарур молларнинг ҳаммаси топилади. Ошхона ҳам саранжом-саришта. Шийпон кўргазмали агитация воситалари билан безатилган. Социалистик мусобақа бурчаги, иқтисодий анализ бюллетенида кундалик иш якунлари маълум қилиб борилмоқда. «Ҳурмат тахтаси»га эса илғорларнинг портретлари қўйилган.

Райондаги Ленин номли, Энгельс номли, Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозларнинг дала шийпонлари ҳам кўрган кўзни қувонтиради. Уларнинг ҳаммаси электрлаштирилган, водопровод суви билан таъминланган, радио, телевизор, холодильниклар билан жиҳозланган. Шуниси қувончлики, кўпгина дала шийпонларида тандир ҳам бор. Тандирда ёпилган иссиқ нонлар деҳқон дастурхонига қўйилмоқда.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози «Химик» совхози, Коммунистик районидаги «Ленинский путь», Ғалаба районидаги «Победа», Оққўрғон районидаги «Ленинобод», Ботиницев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бошқа хўжаликларда ҳам кишиларнинг самарали меҳнат қилиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун, оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйиш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Лекин бахтга қарши ҳамма жойда ҳам дала шийпонлари шундай намунали аҳволда деб бўлмайди. Бўка районидаги «Бўка» совхози, Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози дала шийпонлари партия, касаба союз ташкилотлари ва маъмурият эътиборидан четда қолиб келаяпти. Шийпонларнинг ремонти ўлда-жўлда қолиб кетган, ошхоналари ишламайди, оммавий-сиёсий ишлар ўтказишга ноқулай.

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз дала шийпонларида колхозчилар учун иссиқ таомлар ташкил этилмаяпти. Колхоздаги мавжуд олти дала шийпонидан 5 тасининг ошхонаси йўқ, электрлаштирилмаган, томорқа ажратилмаган. Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози дала шийпонларида ҳам оммавий-сиёсий ишлар суст ташкил этилган. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар партком хонасидан ҳали дала шийпонига етиб борганича йўқ, ким сиёсий ахборотчи, ким агитатор — колхозчилар билишмайди. Колхознинг 4, 8, 10-бригадалари дала шийпонлари зарур жиҳозлар билан таъминланмаган.

Янгийўл районининг айрим хўжаликларида ҳам дала шийпонлари ишини яхшилашга эътиборсизлик билан қаралмоқда. «Интернационал» колхозидаги 14 та дала шийпонининг ярмидан озроғи, Х. Турсунқулов номли колхоздаги 15 та дала шийпонидан 6 таси, Калинин номли колхоздаги 11 та дала шийпонидан 6 таси ҳали тўла жиҳозланмаган. Бекобод районидаги «Дзержинский» номли колхоз, 1-«Далварзин» ва «Партия XXV съезди» совхозлари дала шийпонларида социалистик мусобақанинг қандай бораётганлиги деҳқонларга маълум қилинмайди. Бўка районидаги Мичурин номли, «Коммунизм» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг дала шийпонларига газета ва журналлар ўз вақтида келтирилмайди. Бундай аҳволни Пискент районидаги Свердлов номли колхозининг 5-бригадаси дала шийпонида ҳам кўриш мумкин. Дала шийпони санитария-гигиена қоидаларига ҳам жавоб бермайди.

Айрим жойларда дала шийпонига қачон автолавкалар келиши олдиндан маълум қилинмайди. Айниқса, Чиноз районидаги «Москва», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида лекторлар, кўчма киноқурилмалар ва кўчма дўконларнинг қай пайтда келиш графиклари тузилмаган. Бундай нуқсонлар шийпон мудири тасдиқланмаган хўжаликларда кўпроқ содир бўлмоқда. Шийпон мудири бўлмағандан кейин оммавий-сиёсий ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши табиийдир.

Рейд қатнашчилари аниқлаган нуқсонларни бартараф этиш унчалик қийин эмас. Бунинг учун фақат қунт ва ҳафсала керак холос. Барча район ташкилотлари дала шийпонлари ишини яхшилашга, оммавий-сиёсий ва маданий ишлар савиясини оширишга масъулиятни чуқурроқ ҳис этган ҳолда ёндошсалар чакки бўлмайди. Бундан буён далаларда иш қизиб бораверади. Дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйига айланади. Шундай экан, дала шийпони колхозчининг уйидек гавжум, серфайз ва гўзал бўлсин.

ЖАНУБИЙ ЧЕГАРА СОҚЧИЛАРИ



САҲИФА № 163

БУГУН ВАТАНИМИЗ энг жанубий чегарасининг соқчилари Узбекистон ва Туркманистон меҳнаткашлари билан биргаликда мамлакатимизнинг кекса ҳарбий округлардан бири бўлган, жанговар байроқларини шон-шуҳратга буркаган Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг шонли 60 йиллигини нишонламоқдалар. Владимир Ильич Ленининг шахсан кўрсатмаси билан ташкил топган бу округ ўз олдига қўйган вазифаларни ҳамиша бекаму-кўст бажариб келди. Ушбу саҳифада унинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

ЖАНГОВАР САФДА

1918 йилнинг 4 майида асос солинган Туркистон Ҳарбий округи Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва уни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Социалистик Ватан олдидаги шарафли бурчини бажара борib, мамлакатда социализм жамиятини бунёд этишдек ленинча планни амалга оширишда фаол иштирок этди. Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция ишларида қатнашди. Бошқача қилиб айтганда туркистончи жангчилар барча муҳим сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган ишларда ўз улушларини қўшдилар.

Партия ўзининг революция ишига садоқатли бўлган асл ҳарбий бошлиқларини Ўрта Осиёга юборди. Округимиз ташкил топиши ва оёққа туришида таниқли пролетар саркардаси М. В. Фрунзе, партия ва давлат арбоби В. В. Куйбишев, жанговар комиссар Д. А. Фурмановларнинг ҳиссаси каттадир. Граждандар уруши йилларида ва босмачиларга қарши курашда миллий кадрлар сафи ўсиб мустаҳкамланиб борди. И. Охунбобоев, У. Юсупов, Я. Мельқумов, М. Мирзапоров ва шунга ўхшаш кўплаб асл фарзандларимиз номи халқ қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўрта Осиё республикалари тарихига Тошкентдаги «Ишчилар қалъаси» ҳимоячиларининг, Оренбург эшелояси, Закаспий, Еттисув ва Фарғона фронтлари иштирокчиларининг жасорати, Бухоро операцияси, Черкасск мудофааси қатнашчиларининг мисли сиз мардликлари олтин ҳарфлар билан ёзилган. Совет ҳокимияти душманларига қарши олиб борилган курашларда СССР халқларининг қардошларча дўстлиги, пролетар интернационализми ўсди ва мустаҳкамланди.

Гражданлар уруши тугаши биланоқ Туркфронт шахсий составининг маълум қисми ва кучи меҳнат фронтига қаратилди. Қизил Армиянинг командир ва жангчилари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари билан биргаликда саноат корхоналарини тиклашда қатнашди, чўлу биёбонларни кезиб, каналлар қазиди, халқ орасига ленинча ҳақиқат сўзларини олиб кирди, саводсизликни тугатиш учун курашди. Ўз навбатида шаҳар ва қишлоқ аҳли армияга кўплидан келган ҳамма ёрдамни қилди.

1941 йилнинг 22 июнида немис фашистлари мамлакатимизга хиёнаткорона ҳужум бошлаганда эл қатори Ўзбекистон ва Туркманистондан ҳам минг-минглаб жангчилар Ватан ҳимоясига отландилар. Округимиз чинакамига кадрлар ва ўринбосарлар маконига айланди. Евуз душман

В. С. РОДИН,
генерал-лейтенант, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кенгаши аъзоси, снёсий бошқарма бошлиғи.

●

билан бўлган суронли жангларда донг таратган панфиловчилар дивизияси округимизда ташкил этилди. 83-тог-ўқчи, 17 ва 69-Қизил байроқли ўқчи дивизиялари фахримиз бўлди. Кавказда эса генерал А. А. Лучинский ва ўзбек халқининг асл фарзанди генерал Собир Раҳимов бошқарган дивизиялар фашистларга ажал уруғини ёндирди, 97 қозоқ, 75 ўзбек, 16 туркман, 15 тожик ва 12 қирғиз фарзанди энг олий мукофот —Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муяссар бўлди.

Округимиз жангчилари урушдан кейин ҳам ўз маҳоратини ошира бориб, ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал эта оладиган қудратли техникага эга бўлди. Қуролли Кучларимиз олдида турган муҳим ва шарафли вазифа СССР Конституциясида ёрқин ифода этилган:

«СССР Қуролли Кучларининг халқ олдидаги бурчи — социалистик Ватанни пухта ҳимоя қилиш, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гарантиялайдиган даражада доимий жанговар тайёр бўлиб туришдир».


Командирларимиз, снёсий органлар, партия ва комсомол ташкилотлари бугунги кунда ўз олдиларида турган шарафли бурчни ана шундай деб биладилар. Бу шарафли вазифани бажаришда командирлар ва снёсий ходимларнинг жанговар отряди бригалиқда амалга ошираётган комплекс таълим-тарбия ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Совет Қуролли кучларининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақада кўплаб ажойиб ташаббуслар туғилди. Ана шулардан бири бўлинма ва қисмлар олдига қўйилган барча вазифаларни аъло даражада бажаришдир. Машҳур гвардиячи қисмларнинг командирлари—Прага танк ва Оршанский қизувчи-авиация полклари бу ишнинг ташаббускори бўлишди. Ўт очиш тайёргарлиги бўйича энг яхши рота деган ном учун округда мусобақа тобора қизимоқда. Капитан Н. Гришин бошлиқ танкчилар ротасининг шиори «узоқдаги нишонни биринчи мўлжалдаёқ шикастлаш»дир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси, мамлакат Мудофаа Кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи Маршали Леонид Ильич Брежневнинг жангчиларнинг ҳарбий меҳнатига берган юксак баҳоси округ қўшинлари орасида ватанпарварлик ҳаракатини кенг қулоч ёйишига олиб келди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг XVIII съездида сўзлаган нутқида шундай деди: «Мен Шарққа қилган сафарим вақтида чегараларимизни кўриқлаш қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам, у ерда ўзининг енгил бўлмаган хизматини ўтаётганлар билан — армиямизнинг, Ҳарбий Денгиз Флотимизнинг, чегара қўшинларимизнинг шонли жангчилари билан ҳам танишдим. Бир гапни айтмоқчиман, ўртоқлар: Ватан чегараларини ҳар қандай тасодифлардан мустаҳкам кўриқлаш, уни ҳимоя қилиш иши тажрибали, ишончли кўлларга топширилган. Бинобарин, ишонтириб айта оламанки, Советлар мамлакатининг тинчлиги ва осойишталигини кўриқлаб турган йигитлар ўзларининг юксак вазифасини шараф билан бажаришлари учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгадирлар».

Туркистончи жангчилар партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигидан беҳад миннатдордирлар. Совет ҳукумати Қуролли Кучларимиз, шу жумладан бизнинг округимиз солдатларининг жанговар ўқуви, хизмати ва дам олиши учун барча шароитларни муҳайё қилиб берган. Шу ўринда Ватанимизнинг энг жанубий чегараларини хушёрлик билан қўриқлаётган округимиз шахсий составига Ўзбекистон ва Туркманистон Компартиялари ва ҳукуматлари, шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғафуров, партия, совет, комсомол органлари, хўжалик ва жамоат ташкилотлари кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигидан миннатдормиз.


Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчилари ўзларининг шонли 60 йиллик байрамларини жанговар ва снёсий тайёргарликларини янада оширган ҳолда, Коммунистик партия иши учун содиқлик руҳида кутиб олишмоқда. Ҳозирги кунда Ватан олдида муқаддас граждан лик бурчини ўтаётган авлод ўз оталари ва акаларининг шонли анъаналарига содиқ қолиб, уни бойитган ҳолда округ байрамини муносиб нишонламоқда. Мамлакатимизда энг кекса округлардан бўлган Қизил Байроқ орденли Туркистон округи жангчилари халқ иши, Коммунистик партия иши учун ҳамиша тайёрлар.



Бундан роппа-роса олтмиш йил муқаддам Владимир Ильич Ленин муҳим ҳужжатга имзо чекди. Унда мамлакатимизда бир неча ҳарбий округлар ташкил қилиниши қайд этилган эди. В. И. Ленин Халқ Комиссарлар Советининг декретига ўз дастхати билан Туркистон ўлкасида ҳам ҳарбий округ ташкил қилинсин, деган қўшимчани ёзиб қўйди.

Бу, шонли зафарлар билан бурканган Туркистон ҲВОнинг туғилиши эди. Орадан кўп ўтмай қизил армиячилар доҳийга ўзларининг ғалабалари ҳақида хушхабарлар юбора бошладилар. Улардан бири қизил армиячиларнинг Бухорони қўлга киритганликлари тўғрисидаги М. В. Фрунзе имзо чеккан машҳур телеграмма эди. Телеграммада Регистон узра жаҳон революциясининг қизил байроғи ҳилпирай бошлаганлиги, амир эса қочиб кетганлиги хабар қилинади.

ОКРУГ: ТУҒИЛИШ ГУВОҲНОМАСИ



ЎТМИШ ЛАВҲАЛАРИ

Туркистонда чет эл интервенцияси ва контрреволюциячиларга қарши кураш даврининг энг оғир йиллари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев номи билан боғлиқ. Бу икки оташин революционер ва саркарда Ленин йўлланмаси билан ўлкамизга келиб, мазлум халқларининг озодлик курашига бошчилик қилдилар. Мана бу тарихий суратларда М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев ҳамда ўша суронли йилларнинг «Туркистон фронтлар ҳалқасида» деб аталган хариталари тасвирланган.

А. Абалян фоторепродукциялари.

НОН

— ҚИШЛОҚНИ яна босмачилар талаб кетибди. Уруғлик учун сақлаб қўйилган дондан битта ҳам қолдирмай ўт қўйиб юборишибди...

Бу машъум хабар қизил армиячиларни газабга солди. Тезда таланчи каллакесарларни қўлга олиш учун операция плани ишлаб чиқилди. Бир неча кунлик жангу-жадаллардан сўнг тоғда босмачилар янчиб ташланди.

Мамлакатда дон етишмай турган бир пайтда галлага ўт қўйиш нонкўрлик эди. Ленин босмачилар, оқ гвардиячилар ана шундай разил жиноятга қўл урардилар.

Казармада эса кундалик нон билан гўшт нормаси оширилмаган эмиш, деган гап тарқалди. Буига ҳеч ким ишонмасди.

— Ҳазилни қўйсанг-чи,— дейишарди солдатлар бир-бирларига. — Аввал босмачиларнинг тагига сув қуяйлик, ана ундан кейин нонга тўқверамиз.

Шу пайт казармага қизил аскар Бойцов ҳовлиқиб кириб келди.

— Рост экан, ўртоқлар, — деди у мамнунлигини яширолмай, — энди қорнимиз нонга тўядиган бўлибди...

Бу кун қизил аскарлар хотирасида тўйиб овқат емасдик, оч қолишлар устидан қозонилган ғалаба куни бўлиб сақланиб қолди. Ёш Совет ҳукумати қизил аскарларни қанчалик оғир бўлмасин оғиз-овқат билан таъминлаш катта аҳамиятга эканлигини назарда тутиб, ҳар бир солдатга 900 граммдан нон, ярим килограммдан гўшт беришга қарор қилганди.

ТУҚСОН ОЛТИНЧИ «ХОТИН»

АЛИПОЛВОН қўрбоши икки йилдан бери думини тутқизмас, пайт пойлаб ҳужум қилар, тинч аҳолини талаб тоғларга қочиб қоларди. Охирги марта уни Кўксув дарасида кўришибди.


Милиция отряди қизил аскарлар билан биргаликда қўрбошининг изига тушди. Тоғ бағридаги отишмаларда Алиполвон йигитларининг ярмидан кўпроғи қирилиб кетди. Қолганлари қўлга олинди. Аммо қўрбошининг ўзи яна жуфтакни ростлаб қолган эди.

Орадан кўп ўтмай Алиполвон Чорак қишлоғида юргани маълум бўлиб қолди. Бироқ, уни қўлга олиш осон эмасди. Чунки у аёллар кийими ва паранжи ёпиниб яшириниб юрарди.

Қўрбошини қандай бўлмасин қўлга тушириш қизил армиячи Содиқ Одиловга топширилди. У узоқ ўйланиб қолди. Қишлоқ айтарли катта бўлмаганлиги учун ҳамма аёлларни яхши танирди. «Чоракда ҳаммаси бўлиб тўқсон беш хотин-қиз бор, — ўйларди Содиқ, — Қўрбоши эса тўқсон олтинчиси...». У шу гапларни ҳаёлидан ўтказиб, ҳамма аёлларни бир ерга тўплашга аҳд қилди.

(Давоми 4-бетда).





СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

«СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

ҲАРБИЙ машқлардан чарчаб қазармага қайтганда хаёл бенхтиёр қишлоғимга, синфдош дўстларим давраси га етаклайди. Ана шундай дамларда қариндош-уруғ, ёру-дўстлардан хат келиб қолса беҳад қувониб кетаман.

МАНА бугун куи бўйи ҳайқиргая танклар овозидан қулоқлар тиниб, снарядлар тутунидан бир неча бор ёриб ўтиб, кечга яқин машғулотни тугатдик. Бир неча тенгдошларим қаторн мен ҳам операцияни муваффақиятли бажаришдаги ютуқларим эвазига командирликдан ташаккурнома олдим.

Кечқурун эса қисмимиз клубида «Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг босиб ўтган шонли йўли» мавзуида лекция бўлди. Сўнгра командиримиз сўз олиб, жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочилари ўз ютуқларини округ юбилейига бағишлаганликларини маълум қилди.

Мен Ватан хизматига Бекобод районидан жўнаганман. Ҳозирда Қори-Ниёзий номидаги 56-мактабни бирга битирган тенгдошларимнинг кўпчилиги мен сингари йигитлик бурчини ўташмоқда. Улар билан хат олишиб турамаи. Иномжон Акромов Москвада артиллерияни бўлиб, Аҳаджон Абдуллаев шофёр бўлиб, Ваҳоб Маткаримов химик дегазатор, Ҳусан Қорақулов гранатомётчи, Абдувосит Назаров денгизчи, Шокир Болтабоев ҳарбий қурувчи бўлиб хизмат қилишмоқда. Биз бир-бирларимизга хизматимизни қандай ўтаётганлигимиз ҳақида, эришган ютуқларимиз тўғрисида хабар қилиб турамиз. Ким қўш касб эгаллаш ва кўплаб ташаккурномага сазовор бўлишда ҳам баҳслашгаимиз. Бу аҳднома ҳар биримизни Ватан олдидаги бурчимизни шараф билан оқлашга кўмаклашади.

Нурали ЖАЛИЛОВ,
кичик сержант.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ОТПУСКА

МАШҚ тугади. Йигитлар сафга тизилди. Полк командири операцияга якун ясагач, бўйруқни ўқий бошлади.

— ЖАНГОВАР ва снёсий машғулотларда ўрнак кўрсатганликлари учун қуйидагиларга навбатдан ташқари отпуска берилсин:

Карим Бобоев.
Тўлқин Ашуров.
Тўлқин Инсаров.

Бу йигитлар Коммунистик Яигийўл ҳамда Оққўрғон районидан хизматга чақирилишган. Улар тактик ва амалий машғулотларда тенгдошлари ўртасида ўрнак бўлганликлари учун навбатдан ташқари отпускага сазовор бўлишди.

Командир яна бир неча йигитларнинг номини тилга олди. Улар ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирландилар. Бундай дақиқаларда киши ҳаяжонланиб кетар экан. Оғир машғулотдан кейин бутун чарчоғинг ҳам ёзилиб кетади. Йигитлик бурчини ана шундай виждонан ўтаётган тенгқурларим билан фахрланаман.

Султонмурод ЖЎРАЕВ,
гвардиячи оддий солдат.

АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР



РЕДАКЦИЯНИНГ Туркистон Ҳарбий Округи 60 йиллиги муносабати билан «Ўз хотираларингизни ҳикоя қилиб берсангиз» деган илтимосини эшитдимму, ўйланиб қолдим. Газетхонларга, айниқса ёшларга нималар ҳақида айтиб берсам экан?

У пайтларда мен эндигина

ИНҚИЛОБ ВЕТЕРАНИ ХОТИР ЛАЙДИ.

рус тузем мактабини битириб, шаҳар мактабига киришга тайёргарлик кўрардим. Ана шу паллада Николай подшо ҳукумати маҳаллий халқ орасидан меҳнат армиясига одам ола бошлади. Мени ҳам кўплаб тенгдошларим сингари Самарага жўнатишди. Ана шу ерда мен биринчи бор ҳақиқий рус революционерлари билан учрашдим.

1917 йилда февраль-буржуа революцияси амалга оширилгач, Қўқонга қайтдим. Шу йилнинг февраль ойи сира хотирамдан кўтарилмайди. 27 февралдан 28 февралга ўтар кечаси шаҳар қалъасидан танталанали музика садолари янграй бошлади. Бутун халқ қалъа томон оқиб борарди. Худоёрхон даврида қалъа дарвозалари доимо ёпиқ турарди. Лекин энди эса ярим тун бўлишига қарамай дарвоза очиқ, хон ар-

кидаги майдонда одам гавжум эди. Митинг бўлди. Подшо ҳукумати агдарилиб, революция қилинганлиги хабар қилинди. Шу тун бошланган митинг эртасига ҳам кун бўйи давом этди. Темир йўл вокзалида, Қўқоннинг энг гавжум ерларида меҳнаткашлар тўпланишар, «Йўқолсин истибдод!», «Эски дунё керак эмас», деган чақириқлар эшитиларди.

Шу воқеадан сўнг мардикорга олинган бошқалар ҳам қайта бошлади. Революция ҳаракати кучайиб кетди. Большевиклар партияси раҳбарлигида сиёсий пропаганда ишлари авж олиб кетди.

Ниҳоят Октябрь революцияси ҳам рўй берди. Лекин руҳоний ва бойлар, чор Россияси амалдорлари тиш-тирноқлари билан бизга қарши курашардн. Англиядан ҳам жосуслар кела бошлади. Эргаш қўрбоши эса Туркистон миллий қўшинига бошлиқ қилиб тайинланди. Лекин коммунист ўртоқ Бабушкин бошчилигидаги советлар революцион ишни давом эттиравердилар. Уша пайтда Т. М. Пустовойтов, Мўминжон Шокиров, Матқобул Фозилов, Эшонқул Ғойибназаровлар меҳнаткашлар уюшмасида алоҳида ўрнак кўрсатиб ишладилар. Қўқонда кучли уюшма —меҳнаткашлар союзи ташкил этилди.

1918 йилда Тошкентда қизил командирлар курси очилди. Биз ҳам ана шу курсга ўқишга бордик. Шу йил менинг хотирамда ўчмас из қолдирди. Мени большевиклар партияси сафига қабул қилдилар. Уч ойлик курсларни тугатгач барча курсантлар оқ гвардиячилар, босмачиларга қарши курашдилар. 1919 йилнинг январь ойида биз ёш қизил командирлар жиддий синовдан ўтдик. Аксилинқилобчилар ихтиёткор Осипов бошчилигида исён кўтардилар.

Шанбадан якшанбага ўтар кечаси эди. Туркистон республикаси ҳарбий комиссари хоин Осипов бутун ҳукумат раҳбарларини тўплаб, ҳаммаларини ўлимга маҳкум этди. Воқеадан хабар топганимиздан сўнг эртаклб соат олтида Тупроққўрғонга етиб бордик. Ленинчи ҳарбий командирлар курси тингловчиларидан иборат рота Долгошов-Дик раҳбарлигида Тупроққўрғонни қўлга олдик. Ҳаммаёқ ўт ичида қолди. Қалъа революцион Тошкентнинг энг марказий жанговар арсеналн эди.

Тўрт кун деганда осиповчилар бу ердан суриб ташланди. Ихтиёткорнинг ўзи эса қочиб кетди. Биз Чотколга қочган Осиповни икки ой мобайнида таъқиб этдик. Ҳаво ниҳоятда совуқ, бизнинг аскарлар эса жуда юпун кийинган эдилар. Шунга қарамай Осипов шайкаси Фарғона водийсигача куваб борилди.

Шундан сўнг мени Ашхобод фронтига юборишди. 1919 йилнинг октябрь ойигача Закаспий фронтида жанг қилдим. Англия интервентлари, ҳинд-сепой мустамлака армияси ва оқгвардиячилар Каспийга сурнб ташлангач, фронтовикларнинг биринчи конференциясига делегат қилиб сайландим. Ўшанда Москвадан Владимир Ильич Ленинининг вакили ўртоқ Кобозев келган эди. У доҳийнинг мактубини ўқиб бериб, олдимизда турган янги вазифалар ҳақида гапирди. Ана шу конференцияда Кронштадт воқеаси тақрорланди.

Конференция иши давом этаётганда Мадаминбек ўш, Жалолобод, Узган, Жанубий Қирғизистон, Андижонни ўраб олганлиги тўғрисида хабар келди. Биз ўртоқлар билан Осиповни икки ой мобайнида таъқиб этдик. Ҳаво ниҳоятда совуқ, бизнинг аскарлар эса жуда юпун кийинган эдилар. Шунга қарамай Осипов шайкаси Фарғона водийсигача куваб борилди.

Шундан сўнг мени Ашхобод фронтига юборишди. 1919 йилнинг октябрь ойигача Закаспий фронтида жанг қилдим. Англия интервентлари, ҳинд-сепой мустамлака армияси ва оқгвардиячилар Каспийга сурнб ташлангач, фронтовикларнинг биринчи конференциясига делегат қилиб сайландим. Ўшанда Москвадан Владимир Ильич Ленинининг вакили ўртоқ Кобозев келган эди. У доҳийнинг мактубини ўқиб бериб, олдимизда турган янги вазифалар ҳақида гапирди. Ана шу конференцияда Кронштадт воқеаси тақрорланди.

Конференция иши давом этаётганда Мадаминбек ўш, Жалолобод, Узган, Жанубий Қирғизистон, Андижонни ўраб олганлиги тўғрисида хабар келди. Биз ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, Фарғонага жўнаб кетдик. Мени Қўқон шаҳри ва унинг уездлари қуролланган отрядининг ташкилотчиси қилиб тайинладилар. 1920 йилнинг 5 январида Туркистонга Михаил Васильевич Фрунзе келди. Уша пайтда мен Қўқон революцион комитетига раис эдим...

Баҳор кунларининг бирида ўртоқ Фрунзе мени ўз ҳузурига чақириб олди.

— Ўртоқ Ревком раиси,— деди у,— сизга муҳим топшириқ бор. Ислом қўрбошининг одамлари беҳуда қон тўкмоқдалар. Унинг олдига бориб, бизнинг нотамизни топширасиз. Бу ниҳоятда муҳим топшириқ.

Ислом қўрбоши Қудаш қишлоғида жойлашган эди. Аравада ўтириб, қўрбошининг олдига кетдим. Босмачилар машҳатни ёзишга чиқарган пайтларида кириб бордим. Нима мақсадда келганлигим, ўртоқ Фрунзенинг вакили эканлигимни айтдим ва нотани топширдим. Босмачилар куни билан масалани муҳокама қилиб чиқдилар. Эрталабга яқин улар бизнинг шартларга рози эканликларини билдиришди. Босмачиларнинг ўзлари ҳам танг аҳволда қолганларини тушунган, Қизил Армия камбағал ишчи ва деҳқонлар ёрдамида ҳар қандай кучни ҳам енгиб ташлашини англаган эдилар.

...Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи босиб ўтган шонли йўл ниҳоятда оғир ва шарафли бўлди. Уша 1918 йилда Ленининнинг кўрсатмаси ва машҳур саркардалар М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевларнинг бевосита иштирокида ташкил топган ва мустаҳкамланган ҳарбий округ жангчилари ҳозирги кунда ҳам революцион анъаналарни давом эттириб келмоқдалар.

Нишон РИЗАЕВ,
революция ва меҳнат ветерани, Тошкентда биринчи ташкил этилган ҳарбий командирлар курсининг тингловчиси, Иттифоқ миқёсидаги пенсионер.



В мае 1919 года части Туркфронта перешли в решительное наступление на Закаспийском фронте.

Совершив героический переход по безводной Каракумской пустыне, части Красной Армии 6 февраля овладели городом Красноводском. Английские интервенты были окончательно изгнаны с территории Туркестана.

1920 йилнинг май ойида Туркистон фронти қисмлари Закаспий фронтида қатъий ҳужумга ўтдилар. Қизил армиячиларимиз ҳар қандай қийинчиликларга қарамай инглиз интервентларини Туркистондан суриб чиқардилар. Суратда: голиб Қизил армиячилар.

А. Абалян фоторепродукцияси.

ЎТМИШ ЛАВҲАЛАРИ

(Боши 3-бетда).

Эртасига эрталаб қишлоқ аёллари бирин-кетин қизил чойхонага тўплана бошладилар. Улар нега чақиртирганликларини билолмай ҳайрон бўлишарди. Содиқ бўлса хотин-қизларни саналаш билан овора. Ниҳоят тўқсон олтинчи аёл ҳам кириб келди. Лекин у қўрбоши эмаслиги юришидан, бўй-бастидан ҳам сезилиб турарди.

— Ўртоқ аёллар! — деди Содиқ ҳамма тўплангач. — бугун ҳаммангиз мажбурий равишда паранжи ташлашингиз керак.

Аёллар орасида шивир-шивир бошланди, норозилик билдира бошладилар.

— Мени тўғри тушунинг, — давом этди Содиқ, — қишлоғимизда ҳаммаси бўлиб тўқсон беш аёл бор. Ҳозир эса сиз тўқсон олти кишисиз. Ана шу ортиқча «аёл» — ака-укаларингизнинг қотили Алиполвон қўрбоши бўлади.

Ўтирганлар орасида бир зум иккиланиш сезилиб турди. Кейин бир қиз дадил ўртага чиқди.

— Ундай бўлса мана! — деди у паранжисини улоқтирар экан. — Мен қўрбоши эмасман.

Шу пайт ўқ овози эшитилиб Саодат (қизнинг исми шундай эди) ўнг қўлини ушлаганча йиқилиб тушди. Ҳаммаёқни қий-чув босди, тўс-тўполон бўлиб кетди. Паранжи ёпиниб, қизга ўқ узган Алиполвон ўша заҳоти қўлга олинди. Саодат эса бир ойдан сўнг касалхонадан соғайиб чиқди.

ПАКЕТ

ЕТТИСУВДА оқ гвардиячилар генерал Шчербаков бошчилигида қаттиқ ҳужумга ўтишди. Улар Қизил Армия отрядларидан соң жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам анча устун эдилар.

Қизил аскар Мирзабоев ўзбек йигитларидан иборат отрядга жанг қиларди. Кутилмаганда оқ гвардиячилар ҳужумидан чекинишга тўғри келди. Шундай мураккаб, чигал вазиятда Мирзабоев шерикларидан ажралиб қолиб кетди.

Орадан кўп ўтмай уни оқ гвардиячилар қуршаб олдилар.

— Сен қизилларданмисан? — дўқ урди унга бир офицер. Кейин кутилмаганда юмшоқ овозда сўради: — Сен чинакам қизил аскармисан?

Қайтариб сўраши Мирзабоевга ҳақоратдек туюлди.

— Ҳа, қизилман! Отадигэз бўлсанг отмайсанми?

— Йўқ, отмайман. Агар чинакам совет солдати бўлсанг, охиригача Қизил Армияга содиқ қол. Мана бу пакетни ол-да, штаб бошлигига етказ. Унда бизнинг сиз қизилларга шартларимиз ёзилган.

Оқ офицернинг имоси билан Мирзабоевга тулпор келтиришди. У нима бўлаётганлигига тушунмас, ҳозир отга ўтказадилар-да, орқамдан отиб ташлайдилар, деб ўйларди. Пакетни қўйнига тиққанича ўзимизникилар томон олиб бораётганида ҳам уни шу ҳаёл тарк этмади. Лекин Мирзабоевни ҳеч ким таъқиб ҳам қилгани йўқ, отмади ҳам.

Пакетни келтиргач эртасигаёқ Қизил Армия ҳужумга ўтиб, оқ гвардиячиларни янчиб ташлади. Мирзабоев учрашган кишилар оқ гвардиячилар эмас, душман ичида иш олиб бораётган қизил разведкачилар бўлиб, пакетда муҳим маълумотлар бериб юборишган экан...

Абдураҳим АБДУЛЛАЕВ.

КАФЕДРА ТАШАББУСИ БИЛАН

Қардош халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ўз тарихига эга. Чех ва ўзбек музика намояндалари ҳам кўпдан бери яқин ижодий ҳамкорлик қилиб келишади.

Ана шу дўстлик саҳифаларини ўрганишда Тошкент Давлат консерваториясн музика тарихи кафедраси анча иш қилди. Кафедра доценти М. Ковбас томонидан ёзилиб, босмага тайёрланган «Чех созандалари Ўзбекистонда» деган тўплам ҳам самарали изланиш маҳсули сифатида юзага келди.

Китобда атоқли чех композитори ва созандаси Ф. В. Лейсекнинг Ўрта Осиёда бўлиши, Тошкентда музика маданиятини кенг ёйишдаги хизматлари атрофлича ҳикоя қилинади. Тўплам Чехословакия—Совет дўстлиги жамиятининг Прага нашриётида босиб чиқарилди.

КАДРЛАР МАСКАНИ

Бундан беш йил муқаддам Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган 124-ҳунар-техника билим юрти ҳозир мустаҳкам ўқув-моддий базасига эга. Бу ерда 600 дан ортиқ йигит-қиз таҳсил кўрмоқда.

Ҳунар эгаларининг кўпи оғир машинасозлик махсус конструкторлик бюросида, Тошкент тўқимачилик комбинатида ва шу каби йирик корхоналарда фаол меҳнат қилишмоқда. Бу ерда лойиҳачи-конструкторлар билан бирга электрон-ҳисоблаш машиналарининг оператор-программачилари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

Эндиликда кадрларга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтида ҳамда Ўзбекистон ССР Геология, Алоқа министрликларидаги ҳисоблаш марказларида ишлаш учун йўлланма берилади.

Реклама ва эълонлар

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

20 МАЙГАЧА

ҲАР КУНИ СОАТ 19.00 ДА

АНВАРЖОН МУИДИНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИНИНГ

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Дор устида: Абдулҳаким СОЛИЕВ, Зулхумор МУИДИНОВА, Музаффаржон МУИДИНОВларнинг мураккаб дор ва чиғириқ ўйинлари;

Дор остида: Ҳасанбой УСМОНОВ, Тоҳиржон МУСАЕВларнинг қизиқчилик ва масхарабозлик ўйинлари;

Ўзбек паҳлавонлари: Анваржон МУИДИНОВ ва Зокиржон УМАРОВларнинг оғир вазнли тош ўйинлари.

9 май куни соат 12, 14.30, 17.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

ГОСКОМТРУД УзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИГА

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

тўқувчилар, пилталовчилар, гул солувчилар, цехларнинг фаррошлари, лифтёрлар.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИГА

юкларни қабул қилиб топширувчилар, ёрдамчи ишчилар, почта жўнатмаларини сараловчилар, почта вагонларини алмаштириш бўйича операторлар, проводник-электромонтёрлар, почтальонлар, почта механизацияси хизмати бўйича электромеханиклар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, қолипловчилар, фрезерловчилар, тунукасозлар, электр пайвандчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар, прессчилар, электромонтёрлар, юк ташувчилар, қурилиш ишчилари, металларни совуқ усулда ишлаш бўйича инженерлар ва техниклар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИНЖЕНЕРЛАР ВА ТЕХНИКЛАР:

релели алоқа ва радио эшиттириш, электрон ҳисоблаш машиналари, аниқ механика ва оптика, радио алоқаси ва телемеханика, ускуналар монтажи бўйича;

ЛОЙИҲА ИШЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

иссиқлик таъминоти, иситиш ва вентиляция, саноат ва граждан қурилиши, электр таъминоти, корхоналарнинг электр ускуналари, гидрометаллургия технологлари, механиклар, сметачилар, математик-программистлар, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — марказий пункт ва район пунктлари.

МЕТАЛЛ ДАВЛАТГА

Мактаб комсомол комитетининг навбатдаги йиғилиши металлом тўплаш ва синфлараро мусобақани ташкил этиш масаласига бағишланди. Комсомол комитетининг секретари Г. Усмонхўжаева ғолибларга мукофотлар таъсис этилганлигини маълум қилди.

Ёшлар «ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақани қизитиб юбордилар. 9«б» ва 10«б» синф ўқувчилари энг кўп металлом тўплаб ғолиб чиқдилар. Бу синф ўқувчилари давлатга 25 тоннадан ошириб металлом топширдилар.

Д. РАФИҚОВ,
А. Икромов районидаги 193-мактаб.

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

«Ўқитувчи» нашриёти Л. П. Карташовнинг қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари учун шу номдаги қўлланмасини нашр этди. Китобда сўт соғиш физиологияси, сут соғиш аппаратлари ва қурилмаларига оид ўқув материаллари берилган. Унда машинада сут соғишни ташкил қилиш ва унинг технологияси, бу жараённинг иқтисодий самарадорлиги, елин касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари, шунингдек, машинада сут соғишда амал қилинадиган санитария ва гигиена талаблари баён этилган.

Р. ПИНХАСОВ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

▲ **БУХАРЕСТ.** Биринчи Май арафасида Руминия пойтахтининг меҳнатчилари дастлабки тўрт ой планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Халқ хўжалиги қўшимча равишда 600 миллион лейлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 21 та тепловоз, анчагина миқдорда прокат, электр моторлар, электрон ва электр-техника асбоб-ускуналари, дори-дармонлар, газлама ва тўқимачилик маҳсулотлари олди. Шуниси диққатга сазоворки, плондан ташқари маҳсулотнинг 98 процентн меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан тайёрланди.

▲ **ХЕЛЬСИНКИ.** Жаҳон тинчлик кенгаши бу ерда баёнот эълон қилди. Баёнотда 25 июндан 27 июнгача бўлган даврни корейс халқининг Кореяни тинч, мустақил бирлаштириш йўлидаги кураши билан бирдамлик ойи деб эълон қилишга чақирди.

Жаҳон тинчлик кенгаши Жанубий Кореядаги Америка қўролли кучларини батамом олиб чиқиб кетишни талаб қилди ҳамда корейс халқининг «шимол билан жанубнинг 1972 йил 4 июлдаги қўшма баёноти асосида ватанни бирлаштириш учун олиб бораётган курашини қатъиян қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

▲ **ПАРИЖ.** Францияда нарх-наво яна анча ошганлиги эълон қилинди. Бугундан бошлаб темир йўлда юриш ҳақи 15 процент, электр ва газ ҳақи 10 процент кўтарилди. Кўмир нархи ва телефон ҳақи оширилди. Май ойининг охиригача тамакидан тайёрланган маҳсулот ва почта таърифлари, июнь—июль ойларида эса бензин, нефть маҳсулотлари, метро ва автобус билетлари қимматлашади.

▲ **ВАШИНГТОН.** Вакиллар палатасининг жиноятчилик масалалари билан шуғулланувчи алоҳида комиссияси раиси Ж. Коньерс бундай деди: порахўрлик, товламачилик ва алдамчилик Қўшма Штатлар савдо-саноат доиралари ва мансабдорларининг энг катта иллати бўлиб қолди. «Оқ ёқали жиноятчилар»нинг лўттибозликлари ҳар йили Америка солиқ тўловчиларига 44 миллиард долларга тушмоқда, деб хабар қилади конгрессниинг тадқиқот маҳкамаси.

▲ **ТОКИО.** Токиодаги аёллар ва болалар кийими тикиш билан шуғулланувчи «Ханасаки» компанияси ўзининг абгор бўлганлигини эълон қилди. Бу компаниянинг тўлай олмаган қарзи 8 миллиард иенага етди. Фирманинг хонавайрон бўлганлиги бундан бир неча йил муқаддам Япония экономикасининг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноати инқирозга юз тутганлигининг далили бўлди. (ТАСС).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). «Леонид Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» — ранг-баранг безатилган шу номдаги китоб АҚШ пойтахтининг 14 та энг катта китоб магазинига чиқиши биланоқ вашингтонликларнинг зўр қизиқишига сазовор бўлди.

Америкадаги энг катта нашриётлардан бири — «Саймон энд шустер» чоп этган бу китоб Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимидаги фаолияти тўғрисида, Совет Иттифоқида коммунистик жамият қурилишига, бутун инсониятнинг тинчлиги ва социал тараққиёти йўлидаги курашга шахсан жуда катта ҳисса қўшганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Бу китоб СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатлик ишига қўшилган жуда катта ҳиссадир»,—деб уқтирилади нашриёт тайёрлаган реклама проспектида. «Китобдан Л. И. Брежневнинг асосий халқаро проблемалар — кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, тинч-тотув яшаш ҳусусидаги шахсий фикрлари, унинг Ғарбдаги турли раҳбарлар билан, жумладан Америка президентлари билан учрашувлари тўғрисидаги ҳикоялар урин олган».

«Саймон энд шустер» нашриётининг таъкидлашича, «Леонид Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» китоби, чамаси, «Совет раҳбарининг сиймосини батафсил тасвирлайдиган, ғоят юксак аҳамиятга эга бўлган, кенг оммавий ва теран тасвирли» АҚШдаги биринчи асардир.

Ноширлар совет раҳбарининг «Америка китобхонига» деб махсус ёзиб берган муқаддимасини алоҳида уқтирмоқдалар. Бу муқаддимада Л. И. Брежнев совет халқининг АҚШ халқи билан тинчлик ва дўстлиқда яшашга, кескинликни юмшатишни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, қуролсизланишга ва ядро ҳалокати хавфини камайтиришга эришишга интилаётганлигини таъкидлаган.


КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган портрети остига «менинг таржиман ҳолим бутун совет халқи таржиман ҳолининг бир қисми, деб ёзиб олибман», деган сўзлар ёзилган. «Леонид Брежнев — зўр сиёсий талант соҳиби бўлган инсон, XX аср тарихидаги энг катта сиймодир», — деб таъкидлайди газета.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

БОНН. (ТАСС). Ғарбий Германиядаги бир қанча нашриётлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визити муносабати билан махсус асарларни нашрга тайёрладилар.

Мюнхендаги машҳур «Бертельсман» нашриёти КПСС ва Совет Давлати раҳбарининг визити арафасида «Леонид Ильич Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» номли китобни чиқармоқда. Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» номли эсдаликлари Мюнхендаги «Дамнитц» нашриёти томонидан алоҳида китоб қилиб чиқарилди. Машҳур ёзувчи Фридрих Хитцер шу китобга ёзган сўз бошида «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси жаҳонда биринчи социалистик давлатга қарши фашизм бошлаб берган вайронгарчилик урушини ўз бошидан кечирган халқ авлодига мансуб кишидир», деб таъкидлайди.

«Кичик ер» — кўп йиллар давомида ўз фаолиятини жаҳон сиёсатини энг юксак даражада ҳал қилишга бағишлаган ва ҳозир ҳам кечирган кунлари учун чуқур ҳаяжонланаётган сиёсий раҳбарнинг эсдаликларидир, дейилади сўз бошининг охирида.



КУБА республикасида Плая-Хирон халқ қаҳрамонлиги ва мардлигининг тимсоли сифатида тилга олинади. Ўн олти йил муқаддам шу посёлка атрофида Куба халқи Америка империализми малайлари устидан ғалаба қозонган эди. Ҳозирда ана шу тарихий воқеа шарафига посёлкада хотира музейи ташкил қилинган. Унинг жуда кўп экспонатлари ўз тақдирини ўз қўлига олган халқнинг оммавий жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Суратда: музей экспонатларидан бири.

Пресса-Латина-ТАСС фото сн.

СПОРТ

«ПАХТАКОР» ҲУЖУМДА ПЕШҚАДАМ

Тошкентлик футболчилар мана беш ўйинидирки, тўп киритмай майдондан чиқиб кетишмаяпти. Агар турнир жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, пахтакорчилар ҳаммадан кўп— ўнта тўп киритишганлигини кўрамиз. Владимир Федоров ҳисобида тўртта тўп бўлиб, ҳужумчимиз бомбардирлар рўйхатида пешқадамлар сафида бормоқда. Константин Баканов, Владимир Макаров ҳамда Виктор Чуркинлар эса иккитадан тўп киритишди. Бу қувонарли ҳол албатта. Лекин ҳимоячиларимизга эътирозимиз бор. Беш учрашувда тўққизта тўп ўтказиб юборилиши ҳали ҳимоя линиямиз пухта эмаслигини кўрсатиб турибди. Агар ана шу камчилик тезда бартараф этилса, футболчиларимизни турнир жадвалида янада юқорироқ ўринда кўрган бўламиз. «Пахтакор» «Арарат» билан бўлган ўйинга эски составда тушди. Фақат терма команда сафига чақирилган Михаил Ан ўрнини Владимир Курнев эгаллади. Учрашув майдон эгаларининг тўла устунлигида ўтди. Ун биринчи минутда Загуменних — Чуркин — Макаров комбинацияси рақиб дарвозасига гол киритиш билан тугади. Ҳужумни кучайтира борган майдон эгалари яна рақиб штраф майдонида бир неча қулай имкониятларни юзага келтирдилар, лекин В. Федоров, В. Чуркин, К. Бакановлар бундан фойдалана олишмади. Ҳужумчиларимиз айниқса иккинчи таймда бир эмас, бир неча марта тўп киритишлари мумкин эди. Ниҳоят тўхтовсиз ҳужум ўз самарасини берди. 81 минутда Владимир Макаров ўнг қанотдан олдинга ўтиб, жуда усталик билан тўпни командадошн дўсти Владимир Федоровга ошириб берди. Ҳужумчимиз бошн билан йўналтирган тўп дарвоза бурчагига тушди. «Пахтакор» 2:0 ҳисобида чиройли ғалабага эришди.

Чемпионатнинг бешинчи тури анча камҳосил бўлди. Кеча пойтахтнинг «Спартак» ва «Динамо» командалари учрашуви натижасини ҳисобга олмаганда еттита ўйинда ҳаммаси бўлиб, 11 та тўп киритилди. Учрашувлар натижалари билан танишинг: «Нефтчи» — «Қайрат» — 1:0; «Черноморец» — «Шахтер» — 1:0; «Днепр» — «Динамо» (Тб] — 0:1; «Заря» — «Динамо» (К] 1:2; «Локомотив» — «Торпедо» — 0:0; «Зенит» — ЦСКА — 2:1.

Командаларнинг ҳозиргача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
«Динамо» (Тб]	5	7—2	9
«Торпедо»	5	8—0	8
«Зенит»	5	8—8	7
«Шахтёр»	4	6—3	6
«Динамо» (К]	5	6—4	5
«Пахтакор»	5	10—9	5
«Локомотив»	5	6—6	5
«Черноморец»	5	5—5	5
«Қайрат»	5	6—9	5
«Заря»	5	6—7	4
ЦСКА	5	5—6	4
«Динамо» (М]	3	3—3	3
«Нефтчи»	5	2—4	3
«Арарат»	5	2—5	3
«Днепр»	5	2—6	2
«Спартак»	4	2—7	2

Турнир жадвалида кеча ўтказилган «Динамо» (М] — «Спартак» учрашуви натижаси ҳисобга олинмаган.

ХОККЕЙ ЧЕМПИОНАТИДА

Прагада давом этаётган хоккей бўйича Европа ва жаҳон биринчилигида Чехословакия, СССР ва Швеция командалари тўрттадан ўйин ўтказиб, саккизтадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Ўтган кунги ўйинларда жаҳон чемпионлари Чехословакия хоккейчилари АҚШ командаси устидан 8:3 ҳисобида ғолиб келишди. Швеция спортчилари эса Финляндия командасини 6:1 ҳисобида енгдилар.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Баҳор» (бадиий фильм). 12.05 — Концерт. 12.55 — Информацион программа. Кўрсатувдан кейин концерт. 15.55 — Информацион программа. Кўрсатувдан кейин концерт. 17.00 — Кинопрограмма. 18.00 — Болаларга аталган шеърлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — «Рус романси». 20.00 — Ленин комсомолининг 60 йиллиги олдидан. «Буюк ялангоёқлар» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.15 — Хоккей. Швеция — СССР.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

12.55 — Москва. Информацион программа. 13.55 — Москва. Информацион программа. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — «Жанговар постда». 19.15 — «Ахборот». 19.30 —Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг 60 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.15 — «Биринчи курьер» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.35 — Фильм-концерт. 21.15 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4|V да Концерт (билетлар сотилган), 5|V да Севги ҳақида қисса (билетлар сотилган), 6|V да Концерт (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|V да Қалби олов, 5|V да Келинлар кўғолони, 6|V да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4|V да Йиллар ўтиб, 5|V да Она қизим, 6|V да Гулоҳор қанни

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Қамал (катта зал). Хизматдош ошиқлар қиссаси (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона (3 ва 4 серияли) — ТИНЧЛИК» (18.30, 21.00).

Туғилиш — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.15, 13.30, 18.30, 21.00). «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00). «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Куз — С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатлар).

Етим ака — «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Туғилиш — «ХИВА» (20.30).

Ўзбекистон ССР савдо министрлиги, Тошкент ўрта-хунар ошпазлик билим юрти коллективи шу билим юртининг собиқ директори, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Б. Шариповга рафиқаси

Сора ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Абу Райхон Беруний номли Тошкент политехника институти ректорати, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети кимё-технология факультетининг катта ўқитувчиси И. И. Юнусовга отаси

Иногом ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Райхон Беруний номли Тошкент политехника институтининг ректорати, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети кимё-технология факультетининг катта ўқитувчиси Ж. Ш. Шариповга онаси

Сора ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари— 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06437 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д — 2399.